2024 YIL - YOSHLAR VA BIZNESNI QO‘LLAB-QUVVATLASH YILI

Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2024-yil 31-oktabr, payshanba | № 44 (9312) | e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru | @Qishloqhayoti_gazetasi



АҲОЛИГА СИФАТЛИ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ БОРАСИДА МУҲИМ ҲАДАМЛАР ҚЎЙИЛДИ

Наманган вилояти ҳокимлиги бошқа соҳалар каби аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан ислоҳ қилишга катта эътибор бермоқда.

Буни вилоятда йилдан-йилга аҳоли сонининг ортиб, ҳудудларда инфратузилмалар ҳажми ва кўламининг ўсиб бораётгани тақоза этаётир. Шундай экан, Наманган шаҳри, уни туманлар билан боғловчи манзилларда йўловчиларга манзур бўладиган, уларни рози қиладиган хизмат турларини тадбиқ этиш соҳа ходимларидан янада изланиб, имконият қидириб фаолият кўрсатишни талаб қилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг вилоят бошқармаси жамоаси ҳам таҳлилий ва истиқболли режа асосида иш ташкил қилаётир. Вилоятимизда 54 та юридик корхонага қарашли автотранспорт воситалари орқали аҳолига йўловчи ташиш хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Уларнинг 349 тасини автобус, 36 тасини микроавтобус ва 10286 тасини енгил автомобиллар ташкил этади. Шунингдек, Президентимизнинг 2022 йил 7 июлдаги “Автотранспорт воситаларини бошқаришда ва йўналишсиз такси фаолиятини амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 6011 дона тўрт ўриндиқли енгил автомобилларда ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар томонидан йўналишсиз такси хизмати ҳам кўрсатиб келинмоқда. Бошқармамиз томонидан жисмоний шахсларга қулайлик, иш ўрни яратиш мақсадида, йил бошидан шу кунгача лицензия ва лицензия варақалари олиш учун 13 ярим мингга яқин аризалар қабул қилиниб, кўриб чиқилди. Жами 12 мингдан ортиқ бош лицензия ҳамда автотранспорт воситалари учун 17390 та лицензия варақалари расмийлаштирилди.

(Давоми 2-саҳифада)

БУХОРО ВИЛОЯТИ

РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ИЛДАМ ҚАДАМЛАР

Бухоро вилоятининг асосий драйверларидан бири саналган текстил йўналишида ҳозирда 741 та корхона фаолият олиб бормоқда. Соҳада банд бўлганлар 20 минг нафарни ташкил этиб, корхоналар томонидан ўтган йили 6,5 триллион сўмлик маҳаллий, хорижга эса 150 миллион долларлик маҳсулот бозорга чиқарилган.



Давлатимиз раҳбарининг аграр тармоқ ривожига қаратган эътибори натижасида ҳозирда Бухоро вилоятида пахтачилик бўйича жами 10 та кластер фаолият олиб бормоқда. Сўнгги 5 йил давомида вилоят бўйича пахта толасини қайта ишлаш даражаси 58,0 фоиздан 100,0 фоизга, ип-калава ишлаб чиқариш қуввати 57,4 минг тоннадан 100 минг тоннага, ип-газлама ишлаб чиқариш қуввати 315 миллион квадрат метрга ёки 2,0 баробарга ўсди. Бугунги кунда, Бухорода жами 96 минг гектар пахта экин майдонларини тўлиқ қамраб олган ҳолда, 10 та пахта-тўқимачилик кластери пахта етиштириб келмоқда.

– Қишлоқ хўжалигида замонавий технологиялар, замонавий инновацияларни, уруғ навларини илмий асосда татбиқ этиш билан биргаликда энди шу етиштирган пахтадан олинган ҳосилни тайёр маҳсулот ҳолатига олиб чиқишдан иборат, – дейди “Мергантекс” пахта-тўқимачилик кластери раҳбари Иброҳим Ҳамроев. – Бу қўшимча қиймат занжирини яратиш, қўшимча қиймат занжиридаги давлат бюджетига тушадиган маблағларни бир неча баробар ошириш имконини беради. Шу билан бирга замонавий ишлаб чиқаришда банд бўладиган ишчилар сонини бир неча баробарга ошириш баробарида, албатта, экспорт салоҳияти ўсишига олиб келади.

Давлатимиз раҳбари топшириғи асосида йўлга қўйилган тизимли ишлар самарадорлик асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Жорий йил 16 апрель куни ўтган видеоселекторда берилган қатор имкониятлар эса кластер раҳбарлари, фермер хўжаликлари аъзоларига янги имконият эшикларини очди.

– Президентимизнинг топшириғига асосан, йилига 100 минг тонна синтетик тола ва унинг асосида 25 минг тонна аралаш толали калава ип ва 50 миллион квадрат метр тайёр аралашма толали газлама ишлаб чиқариш лойиҳасини бошладик. Бу лойиҳанинг қиймати ҳам 200 миллион доллардан ортиқ, – дейди “Мергантекс” пахта-тўқимачилик кластери раҳбари Иброҳим Ҳамроев.

Вилоятдаги яна бир йирик пахта тўқимачилик кластери ҳам ҳозирда фаолият кўламини кенгайтиришдан ташқари германиялик ҳамкорлар билан бирга йиллик ишлаб чиқариш қуввати 65 000 000 квадрат метр ҳар турдаги пахта ипли ва 400 тонна индантренд калава ип бўяш лойиҳасини амалга оширмоқда. Шунингдек, корхона 8 миллион дона тайёр маҳсулотни чет эл бозорларига етказиб берди.

(Давоми 3-саҳифада)





КОРРУПЦИЯ – ИЛЛАТ

УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ МУҲИМ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев тизимда коррупциявий хатарларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш ҳамда коррупциянинг олдини олиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, бу борада тарғибот тадбирлари самарадорлигини янада ошириш зарурлигини таъкидлади. Тизимда меҳнат қилаётган барча мутахассис-ходимлар, айниқса, Жамоатчилик кенгашлари, фахрий сувчиларнинг фаол иштирокини таъминлашга урғу қаратилди.

Ўрганишлар натижасида жойларда коррупцияга қарши курашиш борасида айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилгани аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилгани таъкидланди.

Сув хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати

Қарор ва ижро

Пресс-турнинг навбатдаги манзили – ҚАШҚАДАРЁ!

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июнда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талабларидан келиб чиқиб, “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ тизимида очиқлик ва ахборот сиёсатини амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.



Банк томонидан Қашқадарё вилоятига ташкил қилинган Пресс-тур ҳам ана шундай саъй-ҳаракатлар сирасига киради. Мазкур тадбир вилоятда банк молиявий кўмагида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларнинг амалий натижалари билан танишиш мақсадида ташкил этилди.

Айни пайтда Қашқадарё вилоятида “Биснесни ривожлантириш банки” АТБнинг 1 та Банк хизматлари офиси, 2 та Банк хизматлари кўрсатиш маркази фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 5 та валюта айирбошлаш шохобчаси мавжуд бўлиб, улар орқали вилоятда жами 50 900 нафар жисмоний ҳамда 1153 нафар юридик шахс ҳамда 351 та ЯТТга сифатли банк хизматлари кўрсатилмоқда.

Иштирокчилар Қашқадарё вилоятида банк молиявий кўмагида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар билан яқиндан танишдилар. Дастлабки манзил Яккабоғ туманидаги “INVEST FINANS GOLD MEGA MALL” МЧЖ бўлди. Бу ерда журналистлар “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ мижози томонидан савдо комплексни жиҳозлаш ва фаолиятини йўлга қўйиш лойиҳаси билан танишдилар. Мазкур лойиҳа учун банк томонидан ПҚ-306-сонли қарор доирасида 2 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилган.

(Давоми 2-саҳифада)

AgroBaza.uz – Ўзбекистондаги ягона замонавий онлайн савдо майдони

Дарҳақиқат, AGROBAZA.UZ Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва техникасини сотишга ихтисослашган ягона, замонавий онлайн савдо майдончаси бўлиб, у бизнесни ривожлантириш ва даромадни ошириш учун бир қатор афзалликларни тақдим этади.



Кенг ассортимент: платформада 900 дан ортиқ бўлимларда агромаҳсулотлар мавжуд. Бу эса харидорларга кенг танлов имконини беради.

Халқаро миқёсдаги имкониятлар: AGROBAZA.UZ нафақат Ўзбекистон, балки бошқа МДҲ давлатларидан ҳам мижозларни жалб қилиш орқали бизнесни ривожлантириш ва даромадни ошириш имконини беради.

Ишончлилик ва қулайлик: платформа сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиб, уларга тўғридан-тўғри, комиссия тўловларисиз ишлаш имконини беради.

Қўшимча иш ўринлари яратиш: AGROBAZA.UZ ҳамюртларимиз учун қўшимча иш жойларини яратишга ва аҳолининг ўзини ўзи банд қилишига имконият беради.

Агросаноатни ривожлантириш: платформа Ўзбекистон агросаноатини бир жойда бирлаштиришга хизмат қилади ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини оширишга кўмаклашади.

AGROBAZA.UZ платформасининг асосчиси ва бош раҳбари Оқил Каримов бўлиб, унинг раҳбарлигида мазкур платформа Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги секторини ривожлантиришга бекиёс ҳисса қўшмоқда. Буни қисқа вақт ичида эришилган муайян натижаларда ҳам кўришимиз мумкин.

Энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, платформадаги фойдаланувчилар ва мижозлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Платформа раҳбари Оқил Каримовнинг мақсади – сотувчи ва харидорлар ўртасидаги тўсиқларни олиб ташлаб, уларга тўғридан-тўғри, комиссия тўловларисиз ишлаш имконини беришдир. Яқинда у Бизнес логистикани ривожлантириш ассоциацияси томонидан “Логистика соҳасини ривожлантиришдаги катта ҳиссаси, шунингдек, ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва иш жараёнларининг самарадорлигини оширишга қаратилган юқори касбий ютуқлари учун” 1-даражали фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Бу ҳам албатта, унинг соҳадаги етакчилик мавқеини ва AGROBAZA.UZ платформаси орқали иқтисодиётимизга қўшаётган катта ҳиссасини яна бир карра тасдиқлайди. Эндиликда у қишлоқ хўжалигида, мева ва сабзавотларни етказиб бериш жараёнларида сунъий интеллектдан фойдаланишнинг афзалликлари ҳақида ўз ғояларини илгари сурмоқда. Оқил Каримов сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш, етказиб бериш тезлиги ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, логистик жараёнларни автоматлаштириш мумкинлигига ишонади. У мана шундай, замон билан ҳамнафас саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон агросаноатининг модернизацияси ва халқаро стандартларга мос равишда ривожланишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Раимқул СУЯРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Янги автобусларда аҳолига қулай ва замонавий транспорт хизмати кўрсатилмоқда



ФАҚАТГИНА БИРГА КОРРУПЦИЯНИ ТЎХТАТА ОЛАМИЗ!

Қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимларининг қонунчиликка зид хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликларининг гувоҳи бўлсангиз ёки ходимларнинг коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига алоқадорлиги юзасидан маълумотларга эга бўлсангиз, вазирликнинг қуйида келтирилган алоқа каналлари орқали ўз мурожаатларингизни қолдиришингиз тавсия этилади.

1. Ишонч телефони: **1243.**
2. Телеграм бот: **@uzagroanticorruptionbot**
3. Расмий веб саҳифа: **Agro.uz**
4. Электрон почта манзили: **info@agro.uz**
5. Масъул ходимлар: **95-018-22-42, 94-369-29-58.**

Йўлланган мурожаатлар ва хабарлар қонунчиликка асосан кўриб чиқилади.

С.ХАЛИЛОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи.

Реклама ҳуқуқида

Факторинг бозори ва уни ривожлантириш ИСТИҚБОЛЛАРИ

Яқинда "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ томонидан "Факторинг бозори ва уни ривожлантириш истиқболлари" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда банк масъул ходимлари, тадбиркорлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан банк мутасаддилари томонидан қайд этилдики, сўнгги йилларда юртимизда мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан банк секторида тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Натижада, аҳолига таклиф этилаётган банк хизматлари сони ва сифати ортиб, замонавий, қулай, оммабоп ва жозибадор хизматлар борасида соғлом рақобат муҳити юзага келди. Мазкур жараёнда Бизнесни ривожлантириш банки ўз қадриятлари ва тажрибасига таянган ҳолда янги шароитга йўлга қўйилди. Бугунги кунда мазкур хизматдан мижозлар фаол фойдаланишмоқда.

Матбуот анжуманида ушбу хизматнинг миллий иқтисодиётимиз учун тутган ўрни ва амалий аҳамияти, банк томонидан таклиф этилаётган факторинг хизматининг ўзига хослиги ҳақида ОАВ вакиллари ҳамда тадбиркорларга атрофлича маълумот берилди.

Факторинг – хўжалик юритувчи субъектлар (етказиб берувчилар)ни молиялашга доир банк хизматларининг бир тури бўлиб,



тезкор мослашиб, ушбу рақобатда ўз нуфузини сақлаб қолиш билан бирга, муайян йўналишларда бошқа молия муассасаларига намуна ҳам бўлмоқда. Банк мижозлар учун янги ва ўзига хос хизматлар таклиф этиш ҳамда уларни сифат ва сон жиҳатдан ошириб боришга жиддий эътибор қаратмоқда. Жумладан, "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 12-августда қабул қилинган ПФ-109-сон Фармонига мувофиқ мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг кўчар активларга асосланган инструментларини ривожлантириш орқали кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолияти узлуксизлигини таъминлаш имкониятларини янада ошириш мақсадида 2024-йил 30-сентябрдан бошлаб факторинг хизматлари кўрсатиш бунда улар банк (молия агенти)га, етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловчилар томонидан акцептланган, лекин тўлов талабномалари бўйича ҳақи тўланмаган тўловни, регресс ҳуқуқисиз олиш ҳуқуқини беради.

Матбуот анжуманида банк мутахассислари томонидан ўтказилган "REVERSE FACTORING" ва "REGULAR FACTORING" мавзусидаги тақдимотлар иштирокчиларнинг факторинг хизматлари ҳақидаги тушунчаларини янада оширишга хизмат қилди. Бундан ташқари, банк томонидан кўрсатилаётган бошқа хизматлар ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилди.


Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакиллари мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олдилар.



АҲОЛИГА СИФАТЛИ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ БОРАСИДА МУҲИМ ҚАДАМЛАР ҚЎЙИЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

Вилоятимизда жами йўловчи ташиш йўналишлари сони 225 тани, шундан автобус йўналишлари сони 97 тани, такси йўналишлари 128 тани ташкил этади. Президентимизнинг 2023 йил 16 февралдаги "Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, Наманган шаҳрида аҳолига автобусларда сифатли йўловчи ташиш транспорти хизматини ташкил этиш, автобуслар харид қилишни жадаллаштириш мақсадида вилоят ҳокимлиги ҳамда Наманган вилояти транспорт бошқармаси томонидан чет эл инвесторларига таклиф билдирилди. Натижада, Қозоғистон Республикасининг "Ti Dji Es Konsalting Grupp" МЧЖ директори Александр Егорович Аммосовдан мақбул таклиф олинди. Музокара якунига кўра, Хитойда ишлаб чиқарилган "ЮТОНГ" русумли 100 дона автобус олиб келиш учун 10 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция маблағларини киритиш юзасидан келишувга эришилди. Наманган шаҳрида автобусларда йўловчилар ташиш фаолятини олиб борувчи "Експресс Долина" МЧЖ ҚК Наманган шаҳар ҳудудида давлат рўйхатидан ўтказилди. Жорий йилнинг 9 январида чет эл инвесторлари билан вилоят ҳокимлигида қўшимча меморандум имзоланди. Дастлаб Хитойнинг "YUTONG" компанияси билан йўловчилар учун барча қулайликларга эга бўлган жумладан, GPS тизими ва ҳар томонлама видеокузатув камералари билан жиҳозланган, сиқилган табиий (метан) газда ишловчи, ногиронлар учун махсус йўлак (пандус) ҳамда



жой ажратилган замонавий автобуслар сотиб олиш юзасидан шартнома тузилди ва "Експресс Долина" МЧЖ ҚК томонидан 36 та автобус учун 9 035,4 млн. сўм бошланғич 25 фоиз маблағ автобус ишлаб чиқарувчи ҳисобига ўтказилди. Жорий йилнинг август ойида автобуслар Наманган шаҳрига олиб келинди.

Вилоят марказининг 1-сонли "Отчопар бош бекати – Тахтакуприк", 2-сонли "Отчопар бош бекати – Чорсу", 3-сонли "Юксалиш – Чорсу" йўналишларида хизмат кўрсатиш юзасидан ўтказилган тендер танловида "Експресс Долина" МЧЖ ҚК иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди. Мазкур йўналишларда хизмат кўрсатиш юзасидан ваколатли орган ҳамда "Експресс Долина" МЧЖ ҚК ўртасида белгиланган тартибда брутто шартномаси имзоланди. Шу билан яқинда юқоридаги уч йўналишда 36 та автобус аҳолига қулай ва замонавий транспорт хизмати кўрсатишни бошлади.

Айни кунларда вилоятда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган "Турон 95 МБИ" МЧЖ томонидан Президентимизнинг 2023 йил 16 февралда "Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда 30 дона автобус сотиб олиш юзасидан Хитойнинг "Zong tong" компанияси билан музокара олиб борилмоқда.

Йўналишларда брутто шартномаси асосида ишловчи автобуслар учун Наманган шаҳрининг И.Каримов, А.Навоий номли кўчаларида алоҳида йўлаклар ташкил этилди. Бошқармада автоматлаштирилган диспетчерлик хизматини ўз ичига олувчи "йўловчи ташишни мониторинг ва назорат қилиш" давлат муассасаси ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилди. Давлат муассасасининг автоматлаштирилган диспетчерлик хизматининг моддий-техник базасини



шакллантириш мақсадида Транспорт вазирлигида ташкил этилган "Транспорт логистикасини ривожлантириш жамғармаси" маблағлари ҳисобидан 226 млн. сўм маблағ ажратилди. Барча зарур жиҳоз ва воситаларни сотиб олиш учун электрон савдо платформасига белгиланган тартибда эълонлар берилиб, электрон савдо орқали моддий техника воситалари сотиб олинди ва давлат муассасасига 8 нафар ходим ишга қабул қилинди. Шунингдек, автобуслар Тошкент шаҳридаги "Автоматлаштирилган тўлов тизими оператори" МЧЖ мутахассислари томонидан станционар валидатор билан жиҳозланди. Эндиликда йўловчиларга бир соат мобайнида шаҳар автобусларидан фойдаланганда биринчи автобусда банк ва транспорт картаси орқали 1500 сўм тўловни амалга ошириши, транспорт картаси орқали иккинчи автобусда 500 сўм, учинчи ва кейинги автобуслардан бепул фойдаланиш имконияти яратилди.

Сирасини айтганда, вилоятимизда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифати ва савиясини ошириш борасида муҳим қадамлар қўйилди ва бу борада давомли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Баҳодир БЕКХОДЖАЕВ,
Наманган вилояти Транспорт бошқармаси бошлиғи.



Пресс-турнинг навбатдаги манзили – ҚАШҚАДАРЁ!

(Боши 1-саҳифада)

Ушбу маблағлар ҳисобидан 25 та иш ўрни яратилган. Журналистлар бу ердаги шароитар билан бевосита танишдилар ҳамда тадбиркор билан суҳбатда ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 2,9 млрд. сўмни ташкил қилади ва келгусида хизмат кўрсатиш сифати ва сонини ошириб бориш эвазига янги қўшимча иш ўринларини очиш мақсад қилинган.

Шундан сўнг ОАВ вакиллари "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБнинг яна бир мижози "Жажжи олмасчалар" НТМга олиб борилди. Мазкур тадбиркорлик субъекти томонидан Яккабоғ тумани, Хўжаилғор МФЙ, Хўжаилғор кўчаси 12-уйда нодавлат таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу лойиҳани молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида, тадбиркорга банк томонидан ПҚ-306-сонли қарор доирасида 500 млн. сўм кредит ажратилган. Мазкур кредит маблағлари ҳисобидан қўшимча боғча биноси қурилган ва жиҳозланган. Асосийси, 23 та янги иш ўрни яратилган. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 800 млн. сўмни ташкил этади.

Пресс тур дастурига мувофиқ, кейинги манзил Яккабоғ туманидаги "Чумич" МФЙ ҳудудида жойлашган "ShAXBOZBEK LIDER" МЧЖ томонидан тиббий ускуналар сотиб олиш ва тиббий хизмат кўрсатиш фаолияти йўлга қўйилган хусусий клиника бўлди. Бу масканни жиҳозлаш



ва тиббий ускуналар олиб келиш учун банк томонидан 405330 АҚШ долларига тенг кредит ажратилган. Клиникада айни пайтда 13 та доимий иш ўрни яратилган.

Пресс турнинг иккинчи куни Қарши БХО фаолияти билан танишишдан бошланди. Бу ерда журналистларга вилоятдаги банк тузилмалари эришаётган иқтисодий кўрсаткичлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Хусусан, жорий қилинаётган янги хизматлар ва мижозлар учун яратилган шароитлар билан атрофлича танишилди. Кўрилаётган чоралар натижасида хизматлар кўлами кенгайиб, банк мижозлари сони муттасил ошиб бораётгани қайд этилди.

Муборак туманидаги "Shodlik klaster" пресс тур иштирокчиларининг навбатдаги манзили бўлди. Бу ерда умумий қиймати 11 600 000 евро бўлган калава ип ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти йўлга қўйилган. Шундан, 8 млн. 135 минг 300 евро қисми банк кредити саналади. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 18 минг тонна бўлган ушбу йирик корхонанинг фаолият бошлаши натижасида 150 та янги иш ўрни яратилган.

Кун тартибига мувофиқ, вилоятнинг Қарши шаҳри ва туманидаги лойиҳалар билан ҳам танишилди. Дастлаб, Қарши шаҳрининг "Темирйўлчи" МФЙ ҳудудида жойлашган ва ёғочдан турли буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "NEW CLASS MEBEL" МЧЖ фаолияти билан танишилди. Ушбу лойиҳани қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,8 млрд. сўм кредит ажратилган ва 22 та янги иш ўрни яратилган. Бу ерда яратилган шарт-шароитлар ва жараёнларни ОАВ вакиллари ўз кўзлари билан кўриб, ходимлар, корхона раҳбари ва мижозлар билан суҳбат қилишди.

Кейинги манзил Қарши туманининг "Дашт" МФЙ ҳудудида жойлашган "MUHAMMAD-NUR" МЧЖ бўлди. Болалар учун юмшоқ ўйинчоқлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган лойиҳанинг умумий қиймати 150 млн. сўм. бўлиб, шундан 100 млн. сўми ПҚ-306-сонли қарор доирасида ажратилган. Натижада, жами 14 та янги иш ўрни яратилган.

Пресс тур дастуридаги сўнгги манзил ҳам шу ҳудуднинг ўзида жойлашган "GRAND AVTO CHEXOL" оилавий корхонаси бўлди. Ушбу масканда автомобилларга чихол ишлаб чиқариш лойиҳаси йўлга қўйилган. Унинг умумий қиймати 150 млн. сўм бўлиб, шундан 100 млн. сўми ПҚ-306-сонли қарор доирасида ажратилган. Натижада 12 та янги иш ўрни яратилган.

Умуман олганда, пресс тур доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрда қабул қилинган "Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори доирасида аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллалар ободлиги ва ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилди. Пресс тур давомида журналистлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ қўшаётган амалий ҳисса, татбиқ қилинаётган лойиҳалар ҳисобига яратилаётган қўшимча даромад манбалари ва иш ўринлари бўйича эришилаётган натижаларнинг гувоҳи бўлдилар.

Бизнесни ривожлантириш банки ахборот хизмати

Рақамли ечимлар орқали сохта маҳсулотларга қарши курашиш имкони сезиларли даражада яхшиланади ва беморлар олаётган дори воситаларининг сифати кафолатли бўлади

Рақамли ечимлар

ФАРМАЦЕВТИКА РИВОЖИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА



Фармацевтика соҳасида рақамли ечимлар охирги йилларда дунё миқёсида жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Рақамли ечимлар энг аввало замонавий технологияларнинг фармацевтика соҳасига интеграция қилинишини, ушбу соҳадаги жараёнларнинг автоматлаштирилишини ва самарадорлиги оширилишини таъминламоқда. Фармацевтика соҳасида қўлланиладиган асосий рақамли ечимларга тўхталиб ўтсак. Улар қуйидагилар:

– Электрон рецептлар (E-Prescriptions)
– Фармацевтика инвентаризациясини бошқариш
– Фармацевтик тадқиқотлар ва ишланмалар учун маълумотлар таҳлили
– Мобил иловалар ва пациентлар мониторинги
– Блокчейн технологиялар
– Дориларни индивидуаллаштириш
– Телемедицина ва рақамли консалтинг

Бу ечимлар фармацевтика бозорини рақамлаштириш ва маҳсулотларни маркировкалаш соҳасида муҳим қадам ҳисобланади. Рақамли ечимлар орқали сохта маҳсулотларга қарши курашиш имкони сезиларли даражада яхшиланади ва беморлар олаётган дори воситаларининг сифати кафолатли бўлади. Бозорнинг рақамлаштирилиши орқали тиббий хизматларга кириш осонлашади, жараёнлар шаффофлашади ва назорат самарадорлиги ортади.

Ўзбекистон Республикасидаги хорижий фармацевтика компаниялари ва ишлаб чиқарувчилар ваколатхоналари ассоциацияси аъзоси Фаррух Миразизов ушбу соҳага катта ҳисса қўшиб, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг мажбурий рақамли маркировка тизимини жорий этиш ташаббусини илгари сурди. Бу ташаббус Ўзбекистон фармацевтика бозорининг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда. Фаррух Миразизов таъкидлаганидек, рақамли маркировка истеъмолчилар учун ҳам, тиббиёт муассасалари учун ҳам қатор афзалликларга эга. Биринчидан, маҳсулотнинг ҳақиқийлиги тасдиқланади. Бунда тиббий маҳсулотлар ва дори воситаларининг асллиги рақамли кодлар орқали текширилади. Шунингдек, захираларни самарали бошқариш орқали маҳсулотларнинг ҳаракатини назорат қилиш ва йўқотишларни камайтириш имкони юзага келади. Қолаверса, махсус кодлар орқали хавфли ёки жараёндан чиқарилиши керак бўлган маҳсулотларни ҳам тезда аниқлаш мумкин бўлади.

Фаррух Миразизов фармацевтика соҳасига қўшган муҳим ҳиссаси учун 1-даражали фахрий ёрлик билан тақдирланган. Ҳозирда у икки ўлчовли штрих-кодларни маҳсулот қадоқларига жойлаштиришни татбиқ этмоқда, бу эса рақамли маркировка жараёнини янада мослашувчан ва содда қилиб, маҳсулотларнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

Фарғонада электр қувватлари "ОМБОРИ" бунёд этилмоқда

ГАЗ ОМБОРЛАРИ БОР, СУВ ОМБОРЛАРИ ҲАМ МАВЖУД. АММО ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ ОМБОРЛАРИ-ЧИ? ЯҚИН ОРАДА ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА ЭЛЕКТР ҚУВВАТЛАРИ ОМБОРИ ПАЙДО БЎЛАДИ. У ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИДА БУНЁД ЭТИЛМОҚДА.



Сиз тўғри эшитдингиз, электр қувватлари "омбори" – яъни электр энергиясини сақлаш тизими қурилмоқда. Унинг қуввати 150 МВт га тенг. Бу Ўзбекистонда ҳалигача муқобили бўлмаган иншоотни Хитой Халқ Республикасининг "China Gezhouba Group Overseas Investmen Co.ltd" компанияси 144 миллион доллар тўғридан- тўғри хорижий инвестиция киритиш ҳисобига бунёд этмоқда. Дастлаб шу йил февраль ойида бу ҳақда Ўзбекистон Президентининг қарори қабул қилинган эди. 11-12 июль кунлари давлат раҳбарининг Фарғона вилоятига ташрифи чоғида эса ушбу лойиҳа қурилишига изн берилди. Бор -йўғи уч ярим ойда Ўзбекистон тумани адирликларида жуда катта ҳажмдаги иш бажарилди. 400 дан зиёд қурувчи мутахассис иштирок этаётган майдонда электр энергия сақлагич батареялар ўрнатилди. Юқори кучланишли электр тармоқлари монтажи тугатилди. Энди боғловчи иншоотлар қурилиши давом этяпти.



– Ўзбекистонга жуда кўп мамлакатлар нигоҳи қадалган, улар қатори бизнинг компаниямиз ҳам ушбу лойиҳа учун ўз маблағларини тикди, – дейди "Energy China Overseas investmen" компаниясининг бош менежери Nie Jianming. – Ускуналарни асосан Хитой, Россия ва айрим қисмларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олганмиз. Биз ноябрь ойининг охирида электр энергияни улаш, декабрь ойида синовдан ўтказиш ва янги йилнинг биринчи кунидан тўлиқ ишга туширишни режалаштирганмиз. Шунда зарур пайтда 600 минг аҳоли эҳтиёжини қондириш имконига эга бўлинади.

Хитойнинг мазкур компанияси дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатида фаолият юритиб келмоқда. У электр ишлаб чиқариш, муқобил энергия электростанциялари ва энергия сақлагич тизим қуриш борасида ном чиқарган. Ўзбекистон туманидаги бу иншоот ҳам юртимиздаги биринчи лойиҳа эмас.

– Ўзбекистонда 13 тадан ортиқ лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Улардан иккитаси муваффақиятли тугатилди. Улар Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидаги қуввати 500 МВт қуёш электр станцияларидир, – дейди "Energy China Overseas investmen" компанияси техник масалалар бўйича директор ўринбосари Азиз Ширинбоев. – Бу учинчи лойиҳа бўлиб, қурилиш жараёни давом этяпти. Декабрь ойида тармоққа улаш учун барча ишлар қилинмоқда.

Ҳа, лойиҳа конструкциялари қад ростлади. Хитойдан келтирилган ҳар бирининг қуввати 2 МВт бўлган жами 90 та улкан аккумулятор батареялари бир-бирига уланмоқда.

Хўш, у аҳолига нима беради? Маълумки, кечқурун ва эрталаб электр қувватига эҳтиёж кескин ошиб кетади. Эҳтиёж камайган кундуз ва тун пайтида қувватланган аккумулятор батареялари ана шу чоғда электр тармоғига уланади ва таъминотда ҳеч қандай узилиш рўй бермайди. Содда қилиб айтганда, истеъмолдан ортиқча "омбор"га қўйилган электр қувватлари танқис пайтда ўша "омбор"-дан яна қайта олинади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Элёр ОЛИМОВ (суратлар),
ЎзА мухбирлари.

Ривожланиш йўлидаги илдам қадамлар

(Боши 1-саҳифада)

– Юртбошимиз соҳага оид видеоселекторда тадбиркорларга жаҳондаги мураккаб вазиятдан азият чекмасдан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун барча имкониятларни яратиб берди, – дейди пахта-тўқимачилик кластери раҳбари Дилшод Бобожонов. – Хусусан, тайёр бўёқ бўяш фабрикалари, тўқимачилик соҳасидаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳаларига йўналтириладиган 10 миллион АҚШ долларигача бўлган кредитларнинг 6 фоиздан юқори қисми давлат томонидан қоплаб берилиши белгиланди. Бунинг ҳам ижроси таъминланмоқда ва корхонанинг экспорт географияси кун сайин кенгаймоқда.

Кластер тасарруфидаги корхона ва фабрикаларда халқаро бозор талабларига тўла мос келадиган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилган. Мисол учун, ҳозирда замонавий технологиялар билан жиҳозланган тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси Европа бозори учун 10 миллион погона метрга тенг энг сифатли маҳсулот етказиб беряпти ва экспорт ҳажмини 15 миллион долларга етказишни режалаштирган.

– Янги инвестицион лойиҳалар бўйича ҳозирда жаҳонда, Европада ўз ўрнига эга бўлган бренд компаниянинг юртимизга келишига доир келишувлар имзоланди. Лойиҳа бўйича йилига 25 миллион доллар тайёр текстил маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган лойиҳа ишга тушиш арафасида. Ҳозир қурилиш ишлар якунланиб, ҳамкорларимиз томонидан корхонани Европадан юртимизга кўчириш бўйича ишлар бошланди. Хусусан чекка-чекка туманларда 50 дан 100 гача бўлган тайёр тикув цехлари ташкил топади, – дейди пахта-тўқимачилик кластери раҳбари Дилшод Бобожонов.



Давлатимиз раҳбарининг топшириғидан сўнг асосан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, хориж бозорларида ўз ўрнини топаётган Бухоро шаҳридаги яна бир текстиль корхонаси ўз экспорт географиясини икки баробарга ошириш бўйича ишларни олиб бормоқда.

– Корхона тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мослашган, – дейди корхона иш бошқарувчиси Шерали Баҳронов. –Тайёр маҳсулотлардан асосан жинси шимлар, шунингдек, ҳарбийлар учун махсус кийим-бошлар тайёрланади. 2023 йилда экспорт ҳажми 300 минг АҚШ долларига тенг бўлди. Келгусида бу кўрсаткични 400 минг АҚШ долларига чиқариш режалаштирилган.

Корхонадаги янги ташаббуслар орқали вилоятнинг экспорт кўрсаткичлари учун қўшимча 10 миллион АҚШ долларига тенг захира базаси яратиш ҳамда 20 миллион АҚШ долларига тенг қийматда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш, қолаверса, давлат бюджетига 12 миллиард сўмлик қўшимча тушумлар киритиш имконияти яратилмоқда.

Умуман олганда, 750 га яқин текстиль корхонаси мавжуд вилоятда бор-йўғи 20 фоизга яқини экспортёрлар қаторидан жой олган. Давлатимиз раҳбарининг топшириғи асосида эндиликда бу кўрсаткични 40 фоизга етказиш назарда тутилган. Бу билан имконият ҳам, салоҳият ҳам мавжуд вилоят иқтисодиёти янада юксалишига замин яратилади.

Зариф КОМИЛОВ,
ЎзА мухбири.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Аҳоли асосан қайси масалаларда мурожаат йўлламоқда?

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН 9 ОЙИ ДАВОМИДА ТУМАНИМИЗ АҲОЛИСИДАН ҚАРИЙБ 3400 ТА МУРОЖААТ КЕЛИБ ТУШИБ, ШУНИНГ 45 ФОИЗИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ. ШУ МУДДАТ ДАВОМИДА СЕКТОР РАҲБАРЛАРИ, ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ БИРГАЛИКДА ЖОЙЛАРДА 192 ТА САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗДИ.

Сайёр қабулларда 663 та муаммоли масала кўтарилиб, мурожаатларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Мисол учун, биринчи сектор раҳбарининг "Козоковул" МФЙда ўтказилган сайёр қабулида фуқаро Ш.Раҳмонова укасининг буйрагини операция килишда ёрдам сўраб, мурожаат қилди. Бемор туман Тиббиёт бирлашмаси томонидан тиббий текширувдан ўтказилганида, унда "Бўйрак етишмовчилиги" касаллиги аниқланди. Унга 10-сонли ОП томонидан зарур дори-дармонлар берилди, туманимиз ҳокимининг тегишли фармойши билан "Саховат ва кўмак" жамғармаси томонидан маблағ ажратилди.

Шунингдек, иккинчи сектор раҳбарининг "Кўрикобод" МФЙда ўтказган сайёр қабулида фуқаро М.Жабборова субсидия асосида тикув машинаси олишда амалий ёрдам сўради. Мурожаат белгиланган тартибда, ишчи гуруҳ томонидан ўрганиб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳолини тадбиркорликка жалб килиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида"ги қарорига асосан унга тикув машинаси берилди. Худди шунингдек, бундай мисолларни 3 ва 4-сектор раҳбарлари томонидан ўтказилган сайёр қабулларда ҳам кўришимиз мумкин.

Сайёр қабулларда асосан бандлик, электр, сув ва газ таъминоти, даволанишга моддий ёрдам ажратилиши, уй-жой билан таъминлаш, кредит, ички йўллар таъмири ҳамда моддий ёрдам тайинланиши каби масалаларда мурожаатлар келиб тушмоқда.

Отабек РУСТАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мингбулоқ туманидаги Халқ қабулхонаси мудири.



НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Беданачилик фаолияти кенгайтирилмоқда

Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини кенгайтириш мақсадида бошқарма қошида бедана боқиш йўлга қўйилганди.

Бугун бошқарма томонидан беданалар сонини янада кўпайтириш ҳамда даромад олиш йўлини кенгайтириш учун 1300 дона бедана олиб келинди. Бундан ташқари бошқарма ҳузуридаги "Тошработ Ўртачўл" ирригация тизими бошқармасига ҳам беданачиликни кўпайтириш мақсадида 1500 дона бедана олиб келинди. Ҳозирги кунда Навбаҳор ҳамда Хатирчи туманлари "Сув етказиб бериш хизмати" ДМлари томонидан ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини кўпайтириш учун 4 минг дона бедана олиб келиниб, боқиш режалаштирилган. Ушбу соҳадан олинган даромадлар ишчи-ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, уларни қўшимча рағбатлантиришга қаратилади.

Қуйи Зарафшон ИТҲБ матбуот хизмати

Эълонлар

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги "Давлат хизматлари маркази" томонидан 17.02.2012 йил 17 февралда 003803-07 реестр рақами билан рўйхатга олинган «LUXE TRANS CAPITAL» МЧЖ (СТИР 302209947) устав фонди 631 141 072 сўмдан 583 872 072 сўмга камайтирилаётганлигини маълум қилади.

Еремин Виктор Илъич номига 1993 йил 29 апрелда 04-21/3114 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Бектемир тумани "Давлат хизматлари" маркази томонидан 2023 йил 19 декабр куни 2335885-реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган «TECHNO ITALIA» (СТИР: 302586528) масъулияти чекланган жамиятига Бектемир тумани "Давлат хизматлари" маркази томонидан 2021 йил 21 май куни 1712380-реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган "MELONI BIZNES SAVDO" (СТИР: 302216890) масъулияти чекланган жамияти қўшилиши муносабати билан «TECHNO ITALIA» масъулияти чекланган жамияти "MELONI BIZNES SAVDO" масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Мурожаат учун тел: +99897) 000-70-07.

Бизни йиғлатган, таъсирлантирган, юракларимизни титратган
"Навоий", "Бобур", "Дунёнинг ишлари" каби фильмларнинг даври ўтдими?

БУГУН РАСМИЙ ТВДАН ТОРТИБ НОРАСМИЙГАЧА, ЮТУБНИ ҲАМ БАЧКАНАДАН БАЧКАНА ТОМОШАЛАР ЭГАЛЛАБ ОЛМОҚДА. ҚЎЛИДА ТЕЛЕФОНИ БОР ОДАМ, ҲАТТО ЁШ БОЛАЛАР ҲАМ БЕМАЛОЛ, ҲЕЧ ҚАНДАЙ ТЎСИҚСИЗ НИМАНИ ИСТАСА ШУНИ КЎРЯПТИ. ИНТЕРНЕТ ЗАМОНИ ШУНДАЙ БЎЛАДИ. АММО АУДИТОРИЯГА НЕГА ҲАЁСИЗ, ШАРМСИЗ, ОРУ ҒУРУРДАН АСАР ҲАМ БЎЛМАГАН "МАҲСУЛОТЛАР" ТАҚДИМ ЭТИЛЯПТИ. Ё БОРИМИЗ ШУМИ?



ЕНГИЛ ЕЛПИЛИК ЗАМОНИ КЕЛДИ...МИ?

Шундай "эъжод маҳсуллари" туфайли болаларимиз асабий, сўконғич, дангаса бўлиб қолмаяптми? Келинга кўз сузган қайнота, феодал қайнона, янгаси билан қийшанглашган қайин ука... Шуларми бугуннинг мавзуси? Бизни йиғлатган, таъсирлантирган, юракларимизни титратган "Навоий", "Бобур", "Дунёнинг ишлари" каби фильмларнинг даври ўтдими? Бир ҳолатдан ҳайратдаман. Бундан 30 йил олдин олинган кино ва сериалларда ҳалоллик, поклик, ўзгаларга яхшилик қилиш каби хислатлар улуғланган экан. Бугун эса 90 фоиз фаҳш ва хиёнатга урғу бериляпти. Яна бир нарсадан лолман: Ютубда яхши маърифий кинолар, улуғларимизнинг маърузалари бор. Шуларнинг томоша учун қўйилган вақтига ва томоша қилганлар сонига қарайман, 4-5 йил олдин ва нари борса, 30-40 минг томоша. Икки гапидан бир яримтаси белдан пастга ишора қилувчиларнинг томошаси эса ҳафта ўтмай 10 миллионга етади. Мен масалан, "Миллион"нинг концертларида Даврон Кабуловнинг ота-онаси ҳам томошабин сифатида иштирок этармикан, деб ўйга толаман. Бир пайтлари Мирзабек Холмедовнинг чиқишларини бачкана, дейдиганлар ҳозиргиларни кўриб, Мирза акани бемалол ҳазрат, домла, деб айтса бўлаверади.

Шу каби концертларнинг доимий "қаҳрамонлари" – Аҳад Қаюм, Муниса Ризаева, Луиза Расуловага раҳмим келади...

Сен ёқтирмаганинг билан ҳамма шунақа нарсаларни кўраяпти, дегувчиларга жавобим: ҳолимизга вой!

P/S Аввал бадиий кенгаш, ҳайъат деган нарсалар бор эди. Баъзан шу тўсиқларни яна қайтариш керакмикан, деган хаёлга ҳам борасан одам.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
журналист.



Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат

Она учун энг катта мукофот нима?

Янги уйга кўчиб чиққач, йўл ёқасига мевали дарахтлар, ўтган йўловчиларнинг баҳри-дили очилсин, дея турфа хил гуллар экдим. Ўйлаганим кўнглимдагидан-да, аъло бўлди. Гуллар йўловчиларга ёқибгина қолмай, уларнинг дуосини ҳам олдим. "Инсонни қўли гулда. Ҳамма жой ажриқ босиб ётарди. Қаранг, бир чиройли гулзор яратибсиз. Қўлларингиз дард кўрмасин!".

Мақтовлардан бошим кўкка етади. Яхши гап, мақтов кимга ёқмайди, дейсиз? Аммо ҳар доим ҳам сиз ўйлагандай бўлавермас экан. Кимдирлар гулларимни узса ёки болалар дарахтдан мева ейман, дея шохини синдирса, кўз олдим қоронғилашиб, ўзимни қўярга жой тополмайман. Айбдорни топиб олиб, шартта дўппосласам дейман. Неча йиллик меҳнатинг бир онда йўққа чиқиши қанчалар азоб. Бу оғриқни тошлоқ, ажриқзорни чопиб, тозалаган инсонгина ҳис қила олади. Гул ҳам, дарахт ҳам ўз фарзандингдек гап. Ёшлигидан парваришлайсан. Сув қуясан, ўғит соласан, тагини юмшатиб турасан. Токи ўзини тутиб, мева бергунча тинмайсан. Йиллар унинг ҳосилини сабр-ла кутасан...

Оналик мақоми ҳам шундай аслида. Бир фарзандни дунёга келтириб, уни камолотга етказиш йўлида қанча машаққат чекилади. Онанинг тунлари тонгга уланади, нолимайди. Кийимини ювади, оғринмайди. Таомлантиради, завқ олади. Фарзанди яхши яшаши, чиройли кийиниши учун ҳар қандай юмушни бажаради, миннат қилмайди. Фарзанди камолотга етиб, ўзи истагандай бўлса, она учун бундан ортиқ мукофот бўлмаса керак.

Бир дарахт ёки гул парваришидаги инсоннинг меҳнатини қадрлаймиз, кези келса кўкка кўтарамиз. Онамизничи? Дунёга келтириб, минг машаққат ила бир инсонни жамиятга фойдаси тегадиган комил инсон қилиб тарбиялагани учун бирор мукофот борми? Бор! Она учун биргина мукофот фарзандига ўзгалар томонидан айтилган "Ота-онасига раҳмат", "Онаси оқила аёл эди", деган эътироф. Бу она учун энг олий мукофот. Энг олий бахт! Шу биргина сўз, унинг йиллар чеккан заҳматини унуттириб юборади. Шу биргина сўз умр йўлларидаги оғриқли жойларига қўйилган малҳам. Шу биргина сўз умрига умр қўшувчи илоҳий сеҳрдир.

Муҳайё ЎРОҚОВА

Реклама



ИС ГАЗИДАН САҚЛАНИНГ!

Иссиқ кунлар ортда қолиб, ҳаво ҳарорати аста-секин пасая бошлади. Бундай вазиятда турли иситиш мосламаларидан фойдаланиш эҳтиёжи юзага келмоқда.



Куз-қиш мавсумида содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин ва бошқа кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида фавқулодда вазиятлар бўлимлари ходимлари томонидан фуқаролар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам олиб борилмоқда. Афсуски, ўтган куз-қиш мавсумларида олиб борилган чора-тадбирларга қарамасдан айрим хонадон эгаларининг бепарволиги оқибатида ис газидан заҳарланиш, тан жароҳати олиш ҳолатлари кузатилган эди. Шундан келиб чиқиб, юртдошларимизга яна бир карра эслатмоқчимиз.

Азиз юртдошлар! Газ ва электр ускуналарини ишлатиш қоидаларига қатъий риоя қилинг, ис газидан сақланинг!

Маъруфжон ШАРИФОВ,
Яккасарой тумани ФВБ П ва НБ катта инспектори, капитан.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир ҳайъати:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-1017. 1030 нусхада чоп этилди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Таҳририят манзили: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. **Телефонлар:** 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. **e-mail:**infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00